

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА АЗИЗА МАХОМАДРИЗОЕВНА**

**ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**КРЕДИТ ОРҚАЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economic sciences**

**Каримова Азиза Махомадризовна**

Туристтик корхоналарнинг ривожланишини кредит орқали қўллаб-  
қувватлашни такомиллаштириш .....5

**Каримова Азиза Махомадризовна**

Совершенствование кредитной поддержки развития туристических  
предприятий.....29

**Karimova Aziza Makhomadriyevna**

Improving credit support for the development of tourism enterprises .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА АЗИЗА МАХОМАДРИЗОВЕВНА**

**ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**КРЕДИТ ОРҚАЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt960 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хусанов Баходир Шералиевич  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ганиевич  
иқтисод фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Шарбат Зулпиқаровна  
иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Акциядорлик тижорат «Алокабанк»

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» август соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1040 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).)

Диссертация автореферати 2021 йил «12» август кuni тарқатилди.  
(2021 йил «12» август даги 26 рақамли реестр баенномаси)



Н.Х.Жумаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К.Худайкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда туризм дунёнинг аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида иқтисодиётнинг тез ривожланаётган соҳаларидан бирига айланмоқда. Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, «Ҳозирги кунда жаҳон ички маҳсулотининг (ЯИМ) 10,9 фоизи, умумий экспортнинг 7 фоизи ва хизматлар экспортининг 30 фоизи, иш жойларининг 9 фоизи туризмга тўғри келади. Прогнозларга қараганда, 2028 йилга келиб туристик хизматлар ҳажми дунё миқёсида 12,5 трлн. АҚШ долларига етиб, унинг жаҳон ЯИМдаги улуши 11,7 фоизни ташкил қилади»<sup>1</sup>. Туристик корхоналарнинг иқтисодиёт учун аҳамияти туризм соҳаси субъектларини кредит орқали қўллаб-қувватлаш борасидаги тадқиқотларнинг долзарблигини оширади. Ривожланаётган мамлакатларда банк тизими туризм соҳасида фаолият юритаётган ёки ўз бизнесини йўлга қўйишга тайёрланаётган тадбиркорларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда қондира олмайди. Бу эса туристик корхоналарни кредитлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда туристик корхоналарни банклар томонидан кредитлашнинг янгича механизмларини ишлаб чиқишнинг аҳамиятини оширади.

Жаҳонда корхоналарни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш имкониятларини ўрганиш, корхоналарни кредитлашнинг услубий асослари ва уларнинг таҳлили борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, туризм инфратузилмасини шакллантириш, туристик хизматлар кўламини кенгайтириш, инновацион хизматларни йўлга қўйган туристик корхоналар билан рақобат, туристларнинг индивидуал юқори сифатли хизматларга бўлган талабининг кескин ошиб бориши, туристик хизматлар нархининг инновацион усуллар билан пасайтириш каби ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Туристик корхоналарни кредитлар орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш борасида рақамли технологияларни такомиллаштириш тизими ва механизмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туристик корхоналарнинг ривожланишини кредит орқали қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «2026 йилгача туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улушини 5 фоизгача, чет эллик туристларнинг сонини 9 миллиондан ошириш, шунингдек туризмдан олинadиган даромадларни 2,2 млрд.долл. етказиш»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Туризм соҳасини ривожлантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуворликларидан бири сифатида белгиланди. Устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилишига эришиш учун туризм соҳасидаги

<sup>1</sup>UNWTO. Tourism Highlights: 2019 Edition, p.3/<http://www.unwto.org>; <http://www.unwto.org>; <http://www.interfax.ru/business/>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5611-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/4143186>

субъектларнинг фаолиятини, бунда иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатлар банкларининг тажрибасини қўллаган ҳолда кредитлар орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 сентябрдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорликнинг назарий ва услубий жиҳатлари, шунингдек туристик корхоналарни ривожлантириш масалалари Р.Кантильон, А.Смит, Д.Рикардо, Й.Шумпетер, Дж.М.Кейнс, Р.С.Ронстадт, Р.Хизрич и М.Питерс, А.Шапиро, А.В.Сидорович, Д.Кауфман, Дж.С.Хеллман, Дж.Джонс, М.Н.Дмитриев, М.Н.Забаев каби чет эллик иқтисодчиларнинг илмий ишларида ўрганилган<sup>3</sup> ҳамда республика олимлари Ё.Абдуллаев, Ш.А.Юлдашев, И.Игамбердиев, В.А.Чжен, С.С.Гулямов ва бошқалар<sup>4</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлашнинг турли жиҳатлари М.А.Кривуля, С.В.Федоров, Н.Ду.Срос, К.А.Лебедев, А.А.Козыбагаров,

---

<sup>3</sup>Сущенко В.А. История российского предпринимательства. - Ростов-на-Дону: «Феникс», 1997. - С. 89 Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. -М.: ИНФРА-М, 1962. - С.54.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения // Антология экономической классики. -М.: 1993. - С. 78.; Шумпетер Й. Теория экономического развития -М.: Изд-во «Прогресс», 1992. - С. 174.; Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: 1978. - С. 35.; Баранова Ю.А. Организация предпринимательской деятельности в сфере туризма. -М.: Stud Ref 2017. - С.52.; Лапуста М.Г. Предпринимательство. -М.: ИНФРА-М, 2005.-667с.; Дмитриев М.Н., Забаев М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник/ -М.: Юнити, 2006. -399 с.

<sup>4</sup>Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш.А. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим направлениям и специальностям. / -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 340 с.; Юлдашев Ш.А., Игамбердиев И. Экономика предприятия. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2004. - С. 122.; Чжен В.А., Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. -Т.: 1995. - С. 82.; Гулямов С.С. и др. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Учебное пособие. -Т.: ТГЭУ, 1996. - С. 88.;

М.А.Булаев В.Г.Медынский, Н.А.Зайцева, McKercher каби чет эллик олимлар<sup>5</sup> шунингдек, Ё.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, У.Азизов, И.Алмардонов Дж.Зайналов, Т.Маликов, Р.Каюмов И.Рахманов, Д.Таджибаева, Ж.Исаков, Л.Зойиров, Н.Урманова, каби маҳаллий иқтисодчи олимларимиз<sup>6</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳамда бу борадаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари етарлича юқори даражада ишлаб чиқилганига қарамай, туризм соҳаси субъектларини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар етарлича чуқур тадқиқ этилмаган. Масаланинг бундай ҳолати ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Инновацион иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистонда туристик корхоналарини кредитлар орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>5</sup>Кривуля М.А. Механизм стимулирования инвестиционной деятельности в сфере туризма // Вестник Северо-Восточного гос. университета. 2011. -Т.: 15. № 15. -С. 135-139.; Федорова С.В. Финансовые отношения в туризме // Сб.матер.межд. научн. практ. конф «Архитектура финансов: стратегия взаимодействия финансового и реального секторов экономики». СПб: Санкт-Петербургский государственный экономический университет, 2014. -С. 403-406.; Лебедев К.А., Региональный туризм как фактор социально-экономического развития экономики // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент. 2016. -Т.: 10. № 2. -С. 15-21.; Козыбагаров А.А. Зарубежный опыт инвестирования в туризм // Вестник университета Туран. 2015. № 4. -С. 166-169.; Булаев М.А. Некоторые вопросы организации и проблемы финансирования самостоятельного туризма // Вестник Национальной академии туризма. 2008. № 2. - С. 9-11.; Медынский В.Г. Инновационный менеджмент: Учебник / - М.: ИНФРА-М, 2012. - 295 с.; Зайцева Н.А. Инвестиционная деятельность в туризме и гостиничном бизнесе в РФ // Сервис в России и за рубежом. 2009. № 4. -С. 84-90; McKercher В., Н. Du Cros Cultural Tourism: The Partnership Between Tourism and Cultural Heritage Management. NY, The Haworth Hospitality, 2002. 280 p.;

<sup>6</sup>Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш.А. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим направлениям и специальностям. / -Т.: «Iqtisod Moliya», 2008. 340 с.; Абдуллаева Ш.З., Азизов У.У. Банк иши. -Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2019. – 1150 б.; Алмардонов И.М. Совершенствование методических и практических основ кредитования субъектов малого бизнеса. Автореф. дисс.на соиск. уч. степ. д.э.н. -Т.: 2018. - 62 с.; Рахманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Т.: 2011. – С.19.; Таджибаева Д.А. Микрофинансирование в Центральной Азии: теория, практика и перспективы развития. – Т.: KONSUDITINFORM-NASHR, 2011. – 256 с.; Таджибаева Д.А. Финансовая доступность и микрофинансирование: Учебное пособие – Т.: Vaktriyu-Press, 2018 – 304 с. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Т.: 2016. – 28 с.; Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Т.: 2011. – 20 с.; Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Т.: 2012. – 23 с.; Маликов Т.С. Стратегия управления инновационными процессами предприятий как фактор финансовой стабилизации экономики. Институциональное развитие взаимоотношений финансово-кредитной системы с реальным сектором экономики. Матер.межд. науч-прак.конфер. -С.: СамИЭС, 2020. - С. 25-28.; Зайналов Дж.Р. Усиление роли государственного участия и финансовой поддержки МБ и ЧП. Матер.межд. науч-прак.конфер. «Развитие банковских систем мира в условиях глобализации финансовых рынков». 25.10.2019. ГВУЗ «Университет банковского дела» (Украина). – С. 87-89.;

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорликни ва туристик корхоналарни ривожлантиришнинг назарий асосларини уларни қўллаб-қувватлаш мезонлари нуқтаи назаридан ўрганиш;

туристик корхоналарни ривожлантиришнинг молиявий таъминоти ҳукуқий асосларини тадқиқ этиш ва кредит орқали молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини ўрганиш;

туристик корхоналарни молия-кредит орқали қўллаб-қувватлашнинг хорижий тажрибасини Ўзбекистон банклари амалиётида қўллаш мумкинлигини асослаш;

Самарқанд вилоятида туристик хизматлар бозори ҳозирги ҳолатининг таҳлили, туристик корхоналарга тижорат банклари томонидан берилган кредитлар самарадорлигини баҳолаш;

туристик корхоналарни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Самарқанд вилояти туристик корхоналарни ривожлантиришни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш механизми олинган.

**Тадқиқот предметини** соҳани кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш жараёнида тижорат банклари ва туристик корхоналар ўртасида юзага келган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, мантикий тафаккур, умумлаштириш, анализ ва синтез, сўровнома ўтказиш, тизимли таҳлил, статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, амалий ва статистик материалга иқтисодий-математик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

тижорат банкларининг кредит сиёсатида «туристик корхоналарни кредитлаш» бобини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туристик корхоналар (ТК) фаолият юритиш муддатлари (0й<ТК>3й, 3й<ТК>5й, 5й<ТК>) бўйича ва кредит тарихидан келиб чиқиб кредитлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

объектив иқтисодий ҳаракатсизлик шароитида туристик корхоналарга 12 ойгача бўлган муддатда фоизсиз кредит беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туристик корхоналарга берилган кредитларнинг фоизларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялаш таклиф этилган;

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

туристик корхоналарда кредитлар улушини ҳамда тижорат банки кредит портфелида туристик корхоналарга ажратиладиган кредитлар улушини ошириш мақсадида туристик корхоналар фаолиятининг хусусиятлари ва устуворликларини ҳисобга олган ҳолда тижорат банки кредит сиёсатини такомиллаштирилган;

туристик соҳа субъектларининг фаолият юритиши муддатлари ва кредитга лаёқатлилиги ҳамда кредит тарихидан келиб чиқиб, туристик корхоналарни кредит орқали қўллаб-қувватлаш босқичма-босқич ишлаб чиқилган;

туристик корхоналарга коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида Туризм соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш таклиф этилган;

коронавирус пандемияси шароитида туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлаштириш воситаларини қуриш учун туристик корхоналарга илгари берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини уларга субсидиялар ажратиш йўли билан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг, Самарқанд вилояти Туризмни ривожлантириш департаментининг маълумотларидан, Марказий банк ва Самарқанд вилояти тижорат банклари тақдим этган маълумотлардан фойдаланилганлиги, шунингдек Самарқанд вилоятидаги туризм соҳаси корхоналари ҳамда респондентлар ўртасида олиб борилган сўровлар маълумотлари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туристик корхоналарни кредитлар орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар ва амалий тавсиялардан туристик корхоналарни кредитлашнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот ишида олинган таклиф ва тавсиялардан давлат бошқаруви органлари туристик корхоналар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, туристик корхоналарни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини, туристик корхоналарни ривожлантиришнинг молиявий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан банклар томонидан туристик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда кредитлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.**

Туристик корхоналарнинг хусусиятларини ва улар фаолиятининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, тижорат банкларининг кредит сиёсатини такомиллаштириш ва унга айнан туристик корхоналарни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш (кредитлаш)га доир бўлим қўшиш ҳақидаги таклифи АТ «Агробанк»нинг 2020 йилга мўлжалланган «Кредит сиёсатини ва унинг асосий йўналишлари»да қабул қилинган ва киритилган (АТ«Агробанк»нинг 2021 йил 2 мартдаги 17-40/91-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида АТ«Агробанк» кредит портфелида туристик корхоналарга ажратилган кредитлар улуши 10-15 фоизга ошган;

туристик корхоналарнинг фаолиятини уларга кредитларни бериш муддати бўйича, кредитлаш босқичлари ҳамда туристик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар, микроқарзлар, грантлар, субсидиялар бериш, қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, табақалаштирилган кредитлаш, кредит тарихи асосида ҳамда кредит скоринги бўйича кредитлаш таклифи АТ «Агробанк»нинг 2020 йилга мўлжалланган «Кредит сиёсатини ва унинг асосий йўналишлари»да қабул қилинган ва киритилган (АТ «Агробанк»нинг 2021 йил 2 мартдаги 17-40/91-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида «Агробанк» АТБ томонидан туристик корхоналарга берилган кредитларнинг улуши 2018 йилдаги 5 фоиздан 2020 йилда 30 фоизгача ошган;

коронавирус пандемияси шароитида туристик корхоналарни кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 12 ойга фоизсиз кредит бериш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ишлаб чиқишда қўлланилган ва ўз аксини топган (АТ«Агробанк»нинг 2021 йил 2 мартдаги 17-40/91-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга татбиқ этиш натижасида 2020 йилда фоизсиз кредитларни бериш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди ва бу коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтиришга ҳамда туристик корхоналарнинг 20 фоизида ликвидликни йўқотиш хавфини камайтиришга хизмат қилди ва уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланган;

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига илгари берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини туристик корхоналарга субсидиялар ажратиш йўли билан қоплаб бериш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сонли «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ишлаб чиқишда қўлланилган ва ўз аксини топган (АТ«Агробанк»нинг 2021 йил 2 мартдаги 17-40/91-1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган жами 9 илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий аттестация комиссияси томонидан

диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 таси республикаси ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 7 та маърузалар тезислари ва 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **«Туристтик корхоналарнинг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари уни кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ўрганилган. Туристтик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, бу борадаги илғор хорижий тажриба ўрганилган.

Бозор иқтисодиётининг марказий институтларидан биттаси ҳамда асосий ҳаракатлантирувчи кучи тадбиркорлик бўлиб, унда устунлик қиладиган субъект эса тадбиркордир<sup>7</sup>.

А. Смитнинг фикрича, тадбиркор – бу капитал эгаси бўлиб, хўжалик юритиш таваккалчилигини ўз зиммасига оладиган, тадбиркорлик фойдаси эса ушбу таваккалчилик эвазига келадиган ва уни қоплайдиган фойдадир<sup>8</sup>. Д.Рикардо тадбиркорлик фаолиятини самарали хўжалик юритишнинг мажбурий элементи сифатида эътироф этган.<sup>9</sup>

Америкалик олим Р.С.Ронстадтнинг фикрича, **тадбиркорлик** – бу бойликни кўпайтиришнинг динамик жараёни. Бойликни ўз пуллари, мулки, хизматда ўсиш имкониятлари билан ҳаммадан кўпроқ таваккал қиладиган, ўз ишини ташкил қилишга вақтини аямайдиган, харидорларга янги товар ёки хизматни таклиф қиладиганлар яратади. Бу хизмат ёки товар мутлақо янги бўлиши шарт эмас, асосийси, тадбиркор унга янги сифат берсин, уларнинг қимматини оширсин, бунинг учун эса зарур куч ва маблағларни сарфласин.<sup>10</sup>

<sup>7</sup>Сущенко В.А. История российского предпринимательства. - Ростов-на-Дону: «Феникс», 1997. -С.38.

<sup>8</sup>Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. -М.: ИНФРА-М, 1962. - С.54.

<sup>9</sup>Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения // Антология экономической классики. -М.: Юнити, 1993

<sup>10</sup>Баранова Ю.А. Организация предпринимательской деятельности в сфере туризма. -М.: Stud Ref 2017. - С.52

Ўз навбатида, таниқли америкалик олимлар Р.Хизрич ва М.Питерс тадбиркорлик деганда қандайдир янги, муайян қийматга эга товарни яратиш жараёнини; вақт ва кучни кўп оладиган, молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни ўз зиммасига олиншини назарда тутадиган жараённи; пуллик даромад келтирадиган ва эришилгандан шахсий қониқиш ҳиссини туғдирадиган жараённи тушунади.<sup>11</sup>

Туризм саноатидаги тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда кўрсатиладиган хизматлар ижтимоий аҳамиятга эга, табақалаштириладиган (дам олиш, соғломлашиш, мароқли ҳордиқ чиқариш, овқатланиш, экскурсиялар) ҳамда сифат таркибига кўра турли-тумандир (хар хил юлдузли меҳмонхоналар, турли тоифадаги хоналар ва ҳоказо). Шундан келиб чиқиб, **туристик индустрия ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти** деганда тижорий асосда амалга ошириладиган, рақобатбардош хизматларни ишлаб чиқиш, капитал қўйилмаларининг янги шакллари излаш, табиий шифобаҳш ресурслардан фойдаланиш, касалликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг дам олишини ташкил қилиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятини тушунмоқ керак.

«Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, туристик индустрия бу жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган объектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскурсия етакчиларининг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуидир.<sup>12</sup>

Туризм индустриясидаги тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти унга муайян омилларнинг таъсирига боғлиқ. Муаллифлар А.В.Сидорович, Д.Кауфман, Дж.С.Хеллман, Дж.Джонс, М.Н.Дмитриев ва М.Н.Забоева<sup>13</sup>, «тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий омилларини ажратадилар (1-расмга қаранг).

Туристик фирмалар ва кредит муассасаларини стратегик альянс шаклида бирлаштириш масаласи Н.А.Зайцева томонидан ўрганилган.<sup>14</sup> Бундай альянс мақсади истеъмолчиларни иштирокчиларнинг хизматлар пакетини сотиб олишга рағбатлантиришдир. Туризм соҳасидаги инвестицион фаолият жараёнида кредит институтларининг роли М.А.Кривули, В.Федорова<sup>15</sup> ишларида акс эттирилган.

<sup>11</sup>Лапуста М.Г. Предпринимательство. -М.: ИНФРА-М, 2005. - 67с.

<sup>12</sup>Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Туризм тўғрисида» №ЎзРҚ-549 18.07.2019 й.14-модда.

<sup>13</sup>Баранова Ю.А. Организация предпринимательской деятельности в сфере туризма. -М.: Stud Ref, 2017. -С.57; Дмитриев М.Н., Забаева М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник/ -М.: Юнити, 2006. -С. 399.

<sup>14</sup>Зайцева Н.А. Инвестиционная деятельность в туризме и гостиничном бизнесе в РФ // Сервис в России и за рубежом. 2009. № 4. - С. 84-90.

<sup>15</sup>Кривуля М.А. Механизм стимулирования инвестиционной деятельности в сфере туризма // Вестник Северо-Восточного государственного университета. 2011. -Т.: 15. № 15. - С. 135-139.; Федорова С.В. Финансовые отношения в туризме // Сб. матер. межд.науч.-прак. конфер. «Архитектура финансов: стратегия

Туризм соҳасига инвестициялар киритишнинг хориж тажрибасини таҳлил қилиш асосида А.А.Козыбагаров<sup>16</sup> бир қатор энг самарали воситаларни белгилаб берди, улар орасида туристик индустрия субъектларини кредитлаш ҳам бор бўлиб, бу бошқа воситалар билан биргаликда туризм соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради.



**1-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини белгиловчи омиллар<sup>17</sup>**

Шундан келиб чиқилса, **туризм соҳаси субъектлари** туристик хизматларнинг тўлиқ мажмуини ёки бир қисмини кўрсатиш, қўшимча туристик хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) ва туристларга ва экскурсантларга товарларни сотиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслардир.<sup>18</sup> Яъни, бу туристик корхоналарнинг ўзидир, зеро уларнинг фаолияти туристик хизматларни кўрсатишга қаратилган.

Туристик индустридаги хизматлар турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, «Туризм тўғрисида»ги Қонунда қуйидаги туристик хизматлар турлари ажратилади (2-расмга қаранг).


взаимодействия финансового и реального секторов экономики». -СПб.: Санкт-Петербургский государственный экономический университет, 2014. - С. 403-406.

<sup>16</sup>Козыбагаров А.А. Зарубежный опыт инвестирования в туризм // Вестник университета Туран. 2015. № 4. - С. 166-169.

<sup>17</sup>Муаллиф томонидан қўйидаги материаллар асосида ишлаб чиқилган: Баранова Ю.А. Организация предпринимательской деятельности в сфере туризма. -М.: Stud Ref 2017. -С.57;

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Туризм тўғрисида» №УзРҚ-549 18.07.2019 й.

Расмда кўриниб турибдики, туристик хизматлар турли-туман бўлиб, унга молия-кредит кўмагини кўрсатганда биз бир вақтнинг ўзида бошқа фаолият соҳаларини ҳам ривожлантираемиз, бу эса ушбу соҳани кредитлашнинг муҳимлигидан далолат беради.



2-расм. Туристтик хизматлар турлари<sup>19</sup>

Мазкур ишда туризм соҳасининг ривожланиши тўғридан-тўғри кредитлаш орқали молиявий қўллаб-қувватлашга боғлиқ эканлиги қайд этилган, бу бошқа воситалар билан биргаликда туристик корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради. Кредитлар билан қўллаб-қувватлаш туристик бозор инфратузилмавий блокнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг корхоналар ва хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро таъсирлашуви инвестицион, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини олиб бориш ҳисобига таъминланади. Кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқилган банк томонидан кредитлаш дастурлари доирасида амалга оширилади. Тегишинча, ҳар қандай дастурнинг спецификаси банкларнинг молиявий имкониятлари ва кредитлаш мақсадларига боғлиқдир.

**Банкнинг кредит сиёсати (КС)** - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.<sup>20</sup> Шунга кўра, ҳар қандай дастурнинг ўзига хос хусусиятлари банкларнинг молиявий имкониятлари ва кредитлаш мақсадларига боғлиқ.

<sup>19</sup>Муаллиф томонидан қуйидагилар асосида ишлаб чиқилган: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Туризм тўғрисида» №УзРҚ -549 18.07.2019.

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тасдиқланган «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги N 429-сонли НИЗОМ. 22.02.2000.

КС банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Мисол учун, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқалар. Кредит турлари бўйича: «кредит линияларини очиб ва очмай» кредитлаш, ломбард ва вексель кредитлари ва бошқалар<sup>21</sup>.

КСда махсус ссудаларни бериш директив тамойиллари аниқ ифодаланган ҳолда мазкур банк учун мос келмайди ёки мақбул бўлмайди, деб ҳисобланувчи кредит турлари ва тоифалари ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банк кредитлаш дастурларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиб чиқилганда, биз шуни аниқладикки, кредитлашнинг асосий ҳужжатларидан бирида, яъни КСда айнан туристик корхоналарни кредитлаш билан боғлиқ бўлим йўқ. Фикримизча, туристик корхоналарни кредитлаш механизмини КСда кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки туристик корхоналарнинг бошқа корхоналардан фарқ қиладиган хусусиятлари мавжуд (мавсумийлик, кўзда тутилмаган ҳолатлар ва бошқалар).

Диссертация ишида хорижий мамлакатларда тадбиркорликни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш тажрибаси ўрганилган. Германия, Франциянинг кредитлаш бўйича тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма ерда барча фаолият турлари билан шуғулланувчи субъектларнинг, шу жумладан туристик корхоналарнинг ўзини ўзи ривожлантиришига кўмаклашиш бўйича муайян чоралар кўрилоқда, бу уларга туристик бозорларга чиқиш, молиялаштириш манбаларини, шерикларни, туристлар экспорти ва импорти йўналишларини топиш, тизимли таваккалчиликларни камайтириш, тежамкорликни таъминлаш ва ҳоказоларга ёрдам беради.<sup>22</sup>

Германияда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим механизми имтиёзли фоиз ставкаларида кредитлар бериш ва банкнинг таваккалчиликни ўз зиммасига олиши бўлиб, бунда қуйидаги шартларга риоя этилиши керак: корхона бозорда камида 5 йилдан бери фаолият юритади, кредит ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар қилишга мўлжалланган ва 25 млн. евродан ошмайди. Қўллаб-қувватлаш доирасида таваккалчиликлар бўйича жавобгарликнинг 50 фоизгачасини ўз зиммасига олади. Фоиз ставкаси таваккалчиликларнинг баҳосига боғлиқ бўлиб, 1дан 7 фоизгачани ташкил қилади. Бунда кредит 2 йил давомида қопланмайди ва ўн йиллик муддатга берилади<sup>23</sup>.

Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш хусусиятлари ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, бу давлатда кичик бизнес фаолиятини ташкил қилишнинг ва уни кредитлар орқали молиявий таъминлашнинг қатъий ишлаб чиқилган тузилмаси амал қилади. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг муҳим

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси 2000йил 22 февралда Марказий Банки томонидан тасдиқланган «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги N 429-сонли НИЗОМ. пункт 2.3

<sup>22</sup>Юсупова Н. Государственная поддержка малого бизнеса в США // Менеджмент в России и за рубежом. – 1999. – №5. - С. 112.

<sup>23</sup>Поддержка малого бизнеса в Германии. Экономика. -№4. 2017. Электронный ресурс. <http://bujet.ru/article/319541.php>

жиҳатлари эса мижозлар билан шериклик муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда уларга консалтинг ва ўқитиш хизматларини кўрсатиш бўлиб, бундай кредитлаш моделлари бошқа ривожланган мамлакатларда учрамайди.

Диссертация ишининг биринчи бобида ўтказилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик ва туризмдаги тадбиркорлик тушунчаларини ўрганиб, хулоса қилиш мумкинки, корхонанинг ривожланиши тўғридан тўғри кредитлар орқали молиялаштиришга боғлиқ, бу бошқа воситалар билан биргаликда барқарор ривожланишни таъминлайди. Тижорат банклари томонидан кредитлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганган ҳолда, биз тижорат банкларининг кредит сиёсатига «туристик корхоналарни кредитлаш» бобини киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосага келдик. Ушбу бобнинг мавжудлиги туристик корхоналарни кредитлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга, шунингдек туристик корхоналарнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш тартибига ёрдам беради. Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тажрибасини ўрганиш асосида айтиш жоизки, уларни Ўзбекистон Республикаси туристик корхоналари учун кредитлаш амалиётига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Туристик корхоналарни кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш ҳолатини таҳлил қилиш**» деб номланган иккинчи бобида туризм соҳасидаги корхоналар фаолиятини молиялаштириш манбалари ўрганилди, туристик бозорнинг ҳозирги ҳолати ҳамда Самарқанд вилояти туристик корхоналарини кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби таҳлил қилинди, шунингдек туристик фаолиятнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Иқтисодиётга оид ишларда **туризм соҳасини молиялаштириш манбалари** деганда туристик ташкилотлар устав фаолиятининг барча турларини ҳам ўз даромади, жамғармалари ва капитали ҳисобидан, ҳам турли хил тушумлар ҳисобидан амалга ошириш учун ўзига зарур активларни шакллантириш мақсадида тўплайдиган барча пул маблағларининг тушиши манбалари тушунилади<sup>24</sup>.

Мазкур ишда таъкидланадики, туризм соҳасини молиялаштириш манбаларидан бири банк томонидан кредитлаш, яъни банкнинг кредит ресурсларидир. **Банкнинг кредит ресурслари** деганда шундай молиявий таъминот шакли тушуниладики, унда харажатлар кредитор амалдаги кредитлаш принциплари доирасида тақдим этадиган ссудалар ҳисобидан қопланади. Кредитлаш принциплари ишлаб чиқилган банк томонидан кредитлаш дастурлари доирасида таъминланади.

Диссертация ишида, туристик корхоналарнинг молиявий фаолиятини ривожлантириш учун, айниқса уларнинг ўз молиявий ресурсларини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим ва жиддий масала эканлиги қайд этилади. Молия-кредит кўмагига туристик корхоналар,

---

<sup>24</sup>Дмитриев М.Н., Забаева М.Н., Малыгина Е.Н. Экономика туристского рынка: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям сервиса и туризма / -2-е изд., переработано и дополнено. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – С. -151.

хусусан, меҳмонхоналар, ўргатувчи, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш фаолиятини, жисмоний тарбия-спорт ва туристик фаолиятни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатадиган ташкилотлар, кўнгилочар комплекслар, савдо-сотик ва ҳ.к. муҳтож.

Ҳозирги пайтда хусусий секторни кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўриладиган чоралар соҳанинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари ўсганидан далолат бермоқда. Тадқиқотимиз доирасида Самарқанд вилояти бўйича туристик корхоналарни ва уларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилдик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича туристик корхоналарнинг миқдорий кўрсаткичлари таҳлили (2016-2019 йиллар)<sup>25</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар	йиллар				ўсиш /пасайиш		
		2016	2017	2018	2019	2017	2018	2019
1	Ташриф буюрувчилар сони	1 056 250	1 319 630	2 456 000	3 120 000	+263	+1 13	+664
2	Меҳмонхоналар сони (дона)	98	104	118	145	+6	+14	+27
3	Меҳмон уйлари сони (дона)	0	0	23	151	0	+23	+128
4	Гуроператорлар сони (дона)	71	76	127	174	+5	+51	+47
5	Туристларга хизмат кўрсатишга жалб қилинган транспорт фирмалари сони (дона)	12	16	19	24	+4	+3	+5
6	Тур.транспорт воситалари (дона) <b>Жами, шундан:</b>	<b>53</b>	<b>76</b>	<b>152</b>	<b>243</b>	<b>+23</b>	<b>+76</b>	<b>+91</b>
	• автобуслар	41	53	88	124	+12	+35	+36
	• микроавтобуслар	7	11	44	93	+4	+33	+49
	• электромобиллар	5	12	18	20	+7	+6	+2
	• квадроцикл	0	0	0	3	0	0	+3
	• даблдекер	0	0	2	2	0	0	+2
	• джип	0	0	0	1	0	0	+1
7	Иш ўринлари (дона)	1118	1232	1964	2907	+114	+732	+943
9	Туристтик корхоналар фойдаси (даромади) (млрд.сўм)	130,2	156,6	146,3	245,7	+26,4	-10,3	+99,4
10	Меҳмонхоналар хизматларидан фойда (даромад) (млрд.сўм)	40,9	51,1	63,1	109,2	+10,2	+12	+46,1
11	Рентабеллик, %	17,3	18,4	21,6	24,3	+1,1	+3,2	+2,7

2016-2019 йилларда Самарқанд вилояти бўйича туристик фаолиятни 1-жадвал асосида таҳлил қилиш маълумотларига кўра, миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг ошгани аниқланди, аммо Самарқанд вилояти ҳудудида туристик корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш сифат кўрсаткичларининг

<sup>25</sup>Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаментининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

жиддий пасайганини кўрсатди, бунга бутун дунёда юзага келган коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият сабабдир (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

### Туристтик корхоналар фаолиятининг таҳлили<sup>26</sup>

(дона миқдорда)

т/р	Туристтик корхонанинг номи	Фаолият муддати						Жами	
		1 ойдан 3 ойгача		3 йилдан 5 йилгача		5 йил ва ундан ортиқ		2019 й.	2020 й.
		2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.		
1	меҳмонхоналар	41	21	6	6	98	98	145	120
2	меҳмон уйлари	151	110	0	0	0	0	151	110
3	туроператорлар	52	33	51	42	71	65	174	140

Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналарни таҳлил қилишда қуйидагиларни аниқладик: 151 та меҳмон уйларида 22 таси (асосий воситаларни сотиб олиш учун), 145 та меҳмонхонадан 38 таси (туристик транспорт воситасини сотиб олиш учун), 24 та транспорт фирмасидан фақат 5 таси (микроавтобуслар сотиб олиш учун) кредитлар олган. Бошқалар банк олдида ўз мажбуриятларини бажара олмаслигидан чўчиб кредит ёрдамидан воз кечган.

2-жадвал маълумотларига кўра, бугунги кунда туристик корхоналарнинг энг катта сонини 3 йилдан ортиқ фаолият юритиб келаётган корхоналар ташкил қилади. 3 йилдан кам ишлаётган туристик корхоналар коронавирус пандемияси ҳамда ўз харажатларини қоплаш учун маблағлари йўқлиги туфайли ёпилиб кетди.

Туристтик корхоналар фаолиятининг давомийлигига қараб биз уларни қуйидаги тоифаларга ажратдик (1 формула):

$$\text{а) } 0\text{й} < \text{ТК} < 3\text{й}, \quad \text{б) } 3\text{й} < \text{ТК} < 5\text{й}, \quad \text{с) } 5\text{й} < \text{ТК} \text{ (1)}^{27}$$

бунда


й -йил, туристик корхона фаолиятининг давомийлиги,

ТК- туристик корхона.

Туризм соҳаси корхоналарини кредитлар орқали қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш доирасида биз туристик корхоналарни кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш шакллариининг ўзаро боғлиқлигига асосланадиган ташкилий вазифалар ечимини таклиф қилдик, бунда уларнинг фаолияти босқичлари ҳисобга олинган (3-расм).

<sup>26</sup> Самарқанд вилояти туризми ривожлантириш департаментининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>27</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**3-расм. Туризм соҳаси корхоналарини улар ишлаб келган фаолиятининг турли босқичларида молиялаштириш<sup>28</sup>**

Имтиёзли кредитни жуда кам сонли субъектлар олишга қодир, тижорат кредити нархидаги кредитни эса ундан ҳам кам, битта-иккита субъект олиши мумкин. Агар туристик корхона кредит олишга қарор қилса, бу асосан 3 йилдан кўп муддат ишлаб келаётган корхона бўлади. Фоиз ставкаларининг юқорилиги ва кафолат таъминоти йўқлиги туфайли, тадбиркорларда тўловлар бўйича муаммолар келиб чиқади, шу боис туристик корхоналар банкдан кредит олмасликка ҳаракат қиладилар, дўстлари ва танишларидан қарз олишни маъқул кўрадилар.

Туристтик корхоналарни фаолият шартларига кўра уч гуруҳга ажратиб, Самарқанд вилояти тижорат банклари томонидан берилган кредитларни таҳлил қилдик (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Самарқанд вилоятининг айрим тижорат банклари томонидан туристик корхоналарга 2016-2019 йй берилган кредитлар таҳлили<sup>29</sup>**

(млн. сўмда)

Т/р	Банкнинг номи	йиллар							
		2016		2017		2018		2019	
		Берилган кредитларнинг умумий суммаси	Туристтик корхоналар тоифаси а*,б*,с*	Берилган кредитларнинг умумий суммаси	Туристтик корхоналар тоифаси а*,б*,с*	Берилган кредитларнинг умумий суммаси	Туристтик корхоналар тоифаси	Берилган кредитларнинг умумий суммаси	Туристтик корхоналар тоифаси а*,б*,с*
1.	«Orient Finans Bank» ХАТБ	0	-	74,0	б*	141,4	с*	7,5	с*
2.	«Ўзсаноатқурилиш банк» АТБ	0,5	а*,б*	1,0	б*,с*	1,18	б*,с*	1,95	б*,с*
3.	«ЎЗР ТИФ МБ» АЖ	0	-	3,0	б*,с*	0	-	31,2	б*,с*
4.	«Трастбанк» ХАБ	0	-	0	-	0	-	0	-
5.	«Агробанк» АТБ	0	-	15,0	а*,с*	10,0	б*,с*	25,5	а*,б*,с*
6.	«Умар» АИТБ «Ипак йули»	0	-	0	-	18,5	б*,с*	31,2	б*,с*
7.	«Капиталбанк» АТБ	0	-	1,0	б*,с*	0,18	б*	1,65	б*,с*

Изоҳ: а\* 3 йилгача муддат ишлаб келаётган туристик корхоналар;

б\* 3 йилдан 5 йилгача муддат ишлаб келаётган туристик корхоналар

<sup>28</sup> Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

<sup>29</sup> Самарқанд вилояти тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

с\* 5 йилдан ва ундан ортиқ муддат ишлаб келаётган туристик корхоналар

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда туризм соҳаси субъектларининг аксарияти кредит кўмагига муҳтож бўлиб, тадбиркорлик субъектларини кредитлашга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ туристик корхоналар учун берилган кредитлар таҳлили (жадвалга қаранг.3) Самарқанд шаҳри тижорат банклари томонидан туристик корхоналарга бериладиган кредитлар ҳажми анча кичиклигини аниқлади.

Амалиётда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқилган банк томонидан кредитлаш дастурлари доирасида, яъни дастур хусусиятлари ва банклар молиявий имкониятлари ва мақсадларига қараб амалга оширилади. 4-жадвалда Самарқанд вилоятнинг баъзи бир тижорат банкларининг кредитларини олиш шартлари кўриб чиқилган.

#### 4-жадвал

### Туристтик корхоналар учун Самарқанд вилояти тижорат банкларидан кредит олиш шартлари<sup>30</sup>

m/ p	Банкнинг номи	ставка %да		Муддат (ой)	Кредит мақсади	Таъминланганлик
		Ўзб.	АҚШ			
1	«Orient Finans Bank» ХАТБ	26	7	12-36	Асосий воситалар- ни сотиб олиш (шу жумладан курулиш- реконструк- ция, мукамал таъмирлаш учун)	- гаров мулки ёки қимматли қоғозлар; - банк ёки суғурта ташкilotи кафолати; - учинчи шахс кафолати; - суғурта компаниясининг қарздор олган кредитни қопламаслиги хавфини суғурталаш бўйича суғурта полиси
2	«Ўзсаноаткурулиш банк» АТБ	24	9	12-72		
3	«ЎЗР ТИФ МБ» АЖ	22	7-8	12-72		
4	«Трастбанк» ХАБ	22-28	8	12-72		
5	«Агробанк» АТБ	26	8	12-72		
6	«Умар» АИТБ «Ипак йули»	22	7-8			
7	«Микрокредитбанк» АТБ	25	-	12-36		
8	«Капиталбанк» АТБ	27	7-8	12-36		

4-жадвалда келтирилган маълумотларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, юридик шахслар учун кредит ставкалари жуда юқори – 22 % ва ундан кўп. Вилоятнинг бошқа банкларида ҳам худди шундай вазиятни кўриш мумкин, уларда фоиз ставкаси янада юқори. Қарз олувчидан талаб этиладиган кредит таъминоти ҳам муҳим роль ўйнайди. Тегишинча, банк мижозларининг, яъни туристик корхоналар, меҳмонхоналар аксарияти дуч келадиган тўсиқ фақат юқори фоизлар эмас, балки таъминот масаласи ҳамдир, чунки кўпчилиқда гаровга қўйиш учун мулк ёки қимматли қоғозлар йўқ, учинчи шахс кафолати, суғурта полиси ва ҳоказолар йўқ. Яъни, ушбу омилларнинг ўзи кредит олиш учун тўсқинлик қилади, улар нафақат жисмоний шахсларни, балки юридик шахсларни ҳам ўзидан айнитади.

Шундай қилиб, туристик корхоналарнинг ресурс ва ташкилий чекланганлиги қарз капиталини жалб қилишни тақозо этади. Бу уларга фақат

<sup>30</sup> Муаллиф томонидан 2020 йил март ҳолатига Самарқанд вилояти тижорат банкларидан олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

тижорат кредитига умид қилиш имконини беради, бунга кредит таъминотининг қўшимча шартлари (гаров, кафиллик шартномаси) ҳам қўшилиши мумкин. Ушбу туристик корхоналар гуруҳига кўпинча туристик маҳсулотни ишлаб чиқармайдиган ҳамда туристик хизматларга талаб даражасига таъсир кўрсата олмайдиган туристик агентлар киришини ҳисобга олсак, туристик корхоналарнинг банк олдидаги тижорат кредити бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши етарлича мушкулдир. Туристтик корхоналар олдида аниқ устунликка эришиш вазифаси эмас, балки фаолиятнинг ҳар бир босқичида кредит орқали қўллаб-қувватлаш орқали бозор муҳитининг ўзгаришига мослашиш ва туристик хизматлар бозорида муваффақиятга эришиш имконини берадиган барқарор устунликка эришиш вазифаси туради.

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги туристларга хизмат кўрсатадиган айрим меҳмонхоналарда молиялаштириш манбалари тузилмасини таҳлил қилиш натижаси шуни намоён қилдики, молиялаштириш манбаларининг катта салмоғи ўз маблағларига тўғри келади.

Биз Самарқанд шаҳрининг қоқ марказида, Темурийлар даври асори-атикалари орасида алоҳида ўрин эгаллайдиган ва шаҳарнинг энг кўп ташриф буюриладиган диққатга сазовор жойларидан бири бетакрор Гўр Амир мақбараси олдида жойлашган ХК «Оқсарой» фаолиятини таҳлил қилдик. Корхона фаолияти туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш, кемпинглар ташкил қилиш, гидлар ва таржимонлар хизматларини кўрсатиш, шунингдек салқин ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишга қаратилган (5-жадвал).

#### 5-жадвал


#### Самарқанд шаҳридаги ХК «Оқсарой» меҳмонхонаси миқдор кўрсаткичларининг 2016-2020 йиллар бўйича таҳлили<sup>31</sup>

№/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	Йиллар				
			2016	2017	2018	2019	2020
1	Хоналар фонди сони	хона	16	16	20	20	20
2	Ташриф буюрувчилар сони	киши	1450	2155	2533	2760	157
3	Иш ўринлари сони	дона	7	7	8	9	9
4	Туристларга хизмат кўрсатишга жалб қилинган транспорт воситалари (сони)	дона	-	1	2	-	-
5	Туристтик корхона (меҳмонхоналар) харажатлари	млн. сўм	44,5	27,0	59,3	58,0	25,8
6	Туристтик корхона (меҳмонхоналар) фойдаси	млн. сўм	45,0	99,0	223,3	318,0	18,7
7	Соф фойда	минг сўм	126,0	126,0	164,0	260,0	-
9	Солиқ тўловлари	млн. сўм	11,6	11,6	16,4	19,0	65,2

Фойда бўйича ҳам худди шундай вазият, у 2016 йилдаги 45,0 млн. сўмдан 2019 йилда 318,0 млн. сўмгача ошган. Аммо, маълумки, ташриф буюрувчилар

<sup>31</sup> Муаллиф томонидан ХК «Оқсарой» меҳмонхонасининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

сони муқаррар равишда корхона фойдасининг кўпайишига таъсир қилади, шунинг учун 2020 йил охирига келиб фойда бир неча мартабага камайиб кетди (4-расм).



**4-расм. 2016-2020 йилларда Самарқанд шаҳридаги ХК «Оқсарой» меҳмонхонасининг миқдорий кўрсаткичлар динамикаси<sup>32</sup>**

